ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 494.351-5

**Баҳриддинова Башорат Маъдиевна**

# ФЕЪЛ ЛУҒАВИЙ ШАКЛЛАРИ ТИЗИМИ (ТУР КАТЕГОРИЯСИ)

10.02.02 - Миллий тиллар (ўзбек тили)

Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация

**АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2002

Босишга рухсат этилди 02.10. 2002
Бичими 60х 84 1/16 Адади 100 Буюртма 189

Қарши Давлат университети босмахонасида чоп этилди

**Тадқиқот Қарши давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедрасида бажарилган.**

| | |
|---|---|
| Илмий раҳбар | филология фанлари номзоди, доцент **Б.Р.Менглиев** |
| Расмий оппонентлар: | филология фанлари доктори, профессор **С.А. Каримов,** филология фанлари номзоди **М. Абдиев** |
| Етакчи илмий муассаса: | **Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети** |

Ҳимоя 2002 йил ноябрь ойининг 6 куни соат 14:00 да Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети ҳузуридаги К067.04.01. рақамли номзодлик илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимояси бўйича ихтисослашган Кенгаш йиғилишида ўтказилади. (703004, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй)

Диссертация билан Самарқанд давлат университети илмий кутубхонасида (Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 11) танишиш мумкин.

Автореферат 2002 йил октябрь ойининг ____куни тарқатилди.

Ихтисослашган илмий Кенгаш котиби,
филология фанлари доктори Salohiy **Д.И.САЛОХИЙ**

RESUME

To the B.Bakhriddinova's PhD thesis on the topic "System of lexical forms of the verb (category of aspect)"


The dissertation is dedicated to the classic interpretation of morphological forms, especially, putting terms, making lexical forms, in education system and settling down that it is not the simple equivalent of its traditional forms.

Summary consists of preface, too main parts, conclusion, the list of used literature.

The preface, "the part of general characteristics of the work", is about the importance of the theme, its aims and tasks, scientific appearance, methodologic baziz, theoritical and practical importance.

Part I is dedicated to the interpritation of grammatic means, the importance of terms, making lexical forms included into edication system, its difference from making up traditional forms and its importance. In the process of settling down lexical forms are show in several paradigmatic nature of newly separated adverbial modifier of manner. Thus, there are few words about verbal lexical forms, voice, positive – negative, adverbial modifier of manner and category of aspect and their sistematic relations.

Part II is about the existance of "the included third"- lexico-syntactic forms, in the system of lexico-syntactic forms. Articles of category of aspect of the verb: participle, adverbial participle and gerund and their forms are closely settled down. Classifing the morphological affixes in uzbek this classifications are given :

a) lexical forming;
b) syntactic forming;
c) lexico-sintactic forming.

Here you can find some practical opinions in distinguishing categorial meaning of the magnificence in grammatic form, appearing features of categorial meaining in aspect paradigm.

In conclusion at the importance of morphological forms of the uzbek language are show.

## РЕЗЮМЕ

Диссертации на соискании ученой степени кандидата филологических наук Бахриддиновой Башорат на тему «Система лексических форм глагола» по специальности 10.02.02. - Национальные языки (узбекский язык)

Диссертация посвящена классическому толкованию морфологических форм в узбекском языкознании, в частности, обоснованию причин включения в систему образования терминов, образующих лексические формы и их неэквивалентность традиционным формообразующим терминам.

Исследование состоит из введения, двух основных глав, заключения и списка использованной литературы.

Во введении, т.е. в разделе «общая характеристика работы», освещается актуальность, цели и задачи, научная новизна, методологические основы, теоретическая и практическая значимость исследования.

**Первая глава** посвящена разъяснению нового толкования узбекских грамматических средств, освещению сущности терминов, образующих лексические формы, внедренные в систему образования, их разница и удобства от традиционных формообразующих. В процессе освещения сущности лексических форм, остановились на парадигматических свойствах лексических форм как категории новых выделенных образов действия. Также изложены выводы о системных соотношениях форм видовых категорий и залога, образа действия, положительности-отрицательности, входящие в системы лексических форм глагола. В процессе разбора освещены причины замены связей - соотношений словоизменяющего термина формообразующими понятиями.

**Во второй главе** диссертации отмечается, что в составе образующих лексические и синтаксические формы существуют ещё третья лексико-синтаксическая форма. Обосновывая такую же сущность членов категорий видов глагола, наречия, деепричастия и форм названия действия, разбор проводился на том же основании. В классификации морфологических окончаний узбекский язык предлагает пользоваться следующей рекомендацией:

а) образующие лексические формы;
б) образующие синтаксические формы;
в) образующие лексико-синтаксические формы.

В заключительной части отмечалось целесообразность нового толкования морфологических форм узбекского языка.



## ИШНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Мавзунинг тадқиқ даражаси.** Ўзбек тилшунослиги ўзининг ҳозирги тараққиёт босқичида морфологик кўрсаткичларнинг маъно ва вазифаларини алоҳида-алоҳида, анъанавий тилшунослик томонидан қўйилган мақсад ва вазифаларга мувофиқ ҳолда деярли тўлиқ асослаб бўлди. Бунда Маҳмуд Қошғарий, Мирзо Маҳдихон, Маҳмуд Замахшарий, Фахри Камолов, Қаюм Рамазон, Абдурауф Фитрат, Аюб Ғуломов, Зокир Маъруфов, Саидзода Усмонов, Абдужаббор Мухторов, Ғанижон Абдураҳмонов, Мазлума Асқарова, Азим Ҳожиев, Шоназар Шоабдураҳмонов, Ж.Ҳамдамов, Ё.Тожиев, рус туркийшуносларидан А.К.Боровков, А.Н.Кононов, В.В.Решетов, С.Н.Иванов кабиларнинг хизматларини алоҳида таъкидламоқ лозим.

Морфологик қўшимчалар таснифи тилшунослик, жумладан, ўрта ва олий таълим грамматик тизимининг муҳим тушунчаларидан бири бўлганлиги сабабли, ҳамма даврнинг долзарб мавзуси бўлиб келган. Ўтган давр мобайнида ўзбек тили морфологик кўрсаткичларининг таснифи яратилди, аммо хулосалар аввалига араб, кейинчалик рус тили грамматик меъёрларига асосланган ҳолда бериб келинди. Ўзбек тилида морфологик қўшимчаларга нисбатан форма ҳосил қилувчилар деб қаралиб, у иккига - сўз ўзгартирувчи ва шакл ҳосил қилувчиларга бўлинарди. Сўз ўзгартирувчилар сифатида сўзларни бир-бири билан боғлаш вазифасини бажарувчи эгалик, келишик ва шахс-сон қўшимчалари ажратилса, шакл ҳосил қилувчиларга сўз маъносига бироз таъсир этадиган, аммо янги маънoли сўз ҳосил қилмайдиган деб таърифланадиган кўрсаткичлар киритиларди. Диққат қилинса, бу қўшимчаларнинг бири синтактик вазифа билан, иккинчиси луғавий маъно билан боғлиқ.

Сўз ўзгартирувчи, форма ясовчи атамалари тилшунослигимизга ички флексияга асосланган рус тили грамматик меъёрлари асосида кириб келган бўлиб, ўзбек тилининг туркона табиатини ёритиб бермас, танланган атама ва тушунча ўртасида номувофиқлик мавжуд эди. Аниқроғи, сўз ўзгартирувчи ва шакл ясовчи сифатида ажратилган морфологик воситалар ўзбек тилида сўз шаклига ҳеч қандай ўзгартириш ёки ясаш даражасида таъсир этмайди. Бу шаклларнинг бири сўз луғавий маъносига бироз таъсир этиши билан, иккинчиси сўзларга синтактик имконият (боғлаш, бириктирувчанлик, муайян вазифада келиш) бериши билангина характерланади.

Истиқлол шарофати, қолаверса, Президентимиз И.А.Каримовнинг қўллаб қувватлашлари билан ўзбек тилининг мумтоз талқини, умуман, ўзбек миллий тилшунослигини яратиш, уни бошқа тил қолиплари асосида меъёрлаштириш асоратидан халос қилиш имкони туғилди. Бу имконият, аввало, морфолок кўрсаткичларнинг асл таснифини беришда қўл келди. Тилшуносларимиз ўзбек тилининг туркона агглютинатив табиати ва онтологик шакл ясаш хусусиятларига таянган ҳолда сўз қўшим-

чаларининг янги таснифини яратдилар. Тилшунослигимизга **лугавий шакл ҳосил қилувчилар** ва **синтактик шакл ҳосил қилувчилар** деб номланган янги атама ва тушунчалар кириб келди. Тадқиқот ишига бу ҳолат бошланғич нуқта деб олинди.

**Мавзунинг долзарблиги.** Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг амалга татбиқи билан боғлиқ равишда умумий ўрта таълим тизимини қайта қуриш, мактабларда она тили ўқув фанининг мазмунини янгилаш учун изланишлар бошланиб, ниҳоят, 1999 йил 16 августда Вазирлар Маҳкамасининг «Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 390-қарори билан 1999-2000 ўқув йилидан бошлаб янги дастур таълим тизимига жорий қилинди. Дастур асосида нашр этилган амалдаги янги дарсликлар мазмунан анъанавий дарсликлардан фарқ қилиб, уларни яратишда ўзбек тили табиатига ва хусусийликлардан умумийликлар, хулосаларга бориш усулига таянилди. Бунда тилшунослик назариётчилари Ф.де Соссюр, А.Теньер, И.И.Мешчанинов, А.В.Исаченко, Р.Якобсон, шунингдек, тилшуносларимиз С.Н.Иванов, В.Г.Гузев, Ҳ.Ғ.Неъматов, А.Нурмонов, Ғ.Н.Зикриллаев, Ш.Ҳ.Шаҳобиддинова ва Б.Менглиевларнинг тадқиқотларига асосланилди.

Шуни таъкидлаш лозимки, мактаб ўқитувчилари амал қилаётган дастур ва дарсликлардаги тушунчаларни ўқувчиларга тўла етказиб беролмаяптилар. Янгиланган она тили ўқитиш тизими бугунги кун тилшунослиги олдига амалда бўлган дарсликлардаги ҳар бир янги тушунча моҳиятини ёритиб бериш талабини қўйди. Ўз изоҳини кутаётган шундай тушунчалардан бири **лугавий шакл** атамаси бўлиб, унинг ўзбек тилига киритилиш сабаби ва анъанавий муқобили сўз шаклидан фарқини асослаб бериш тадқиқотнинг олдига қўйган асосий мақсадидир.

### Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари:

- ўзбек тилшунослигида лугавий шакл атамасининг киритилиш сабабларини ёритиш;
- лугавий шакл ва унинг анъанавий муқобили - сўз шакл атамасидан фарқини очиб бериш;
- синтактик шакллар ва уларнинг анъанавий сўз ўзгартирувчи атамасидан фарқини асослаш;
- грамматик шаклда категориал ва нокатегориал маъноларни фарқлаш;
- ҳаракат тарзи категорияси ва унинг ички парадигмаларини очиб бериш;
- феъл лугавий шакллари тизимининг лугавий шакллик моҳиятини ёритиш;
- назарий хулосаларни феълнинг тур категорияси мисолида текшириб кўриш.



бирлиги билан оралиқда туради. Ҳаракат номи шаклларида лугавий маънога таъсир анча жиддий, аммо феълни бошқа сўзлар билан алоқага киритиш имконияти тамоман сўниб боради.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, жорий дарсликларда лугавий шакл ҳосил қилувчи сифатида талқин этилган феълнинг тур категорияси аъзолари ўзига хос мураккаб табиатга эга бўлиб, уларнинг серқирра моҳияти лугавий шаклларга ҳам, синтактик шаклларга ҳам берилган таърифларни гўё чигаллаштириб юборади. Чунки у ҳар икки сирага хос бўлган хусусиятни ўзида сақлайди ва шу хусусияти билан бу икки қарама-қарши қутблар орасида туташиш - узлуксизлик мавжуд эканлигини исботлайди.

Туркий тилларнинг ички, онтологик табиатидан келиб чиққан ҳолда, ўзбек тили морфологик шаклларини учга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир:

1. Лугавий шакл ҳосил қилувчилар - лексемаларнинг лугавий маъносини нутқ талабига мувофиқ равишда модификациялайди.
2. Синтактик шакллар - лексемаларнинг муайян гап бўлаги бўлиб келишга хослайди ва синтактик алоқага киритиш вазифасини бажаради.
3. Лугавий-синтактик шакллар - лексемаларнинг ҳам лугавий маъносига таъсир қилади, ҳам уларнинг синтактик вазифаларини белгилайди.

Лугавий-синтактик шакллар том моҳияти билан лугавий ва синтактик шакллараро оралиқ учинчи мақомига эга бўлади.

### Диссертациянинг асосий мазмуни қуйидаги ишларда ўз ифодасини топган.


1. Исмларда шаклий ва маъновий номутаносиблик (М.Худойбердиева билан ҳамкорликда). Респ. илмий-амалий конфер. мат.-Навоий, 1997.-Б. 82-83.
2. Морфологик шакл валентлиги(Б.Менглиев билан ҳамкорликда). Насаф тилшунослиги масалалари. 2-тўплам, Тошкент, 1999.-Б. 22-27.
3. Тасаввуфда билиш босқичлари ва ҳодисаларнинг зотий таҳлилига доир. Респ. илмий конф. мат.-Карши, 2000.-Б. 56-57.
4. Лугавий шакл ва сўз шакли тушунчаларининг моҳияти. Тил ва адабиёт таълими.-2001.-№5, Б. 32-37.
5. Лугавий шакл ҳосил қилувчи ва форма ҳосил қилувчиларнинг ўзаро муносабати. Моҳиятга интилган олим (Ҳ.Неъматовга бағишланган илмий тўплам). Бухоро 2001.-Б.18-19.
6. Она тилининг жорий дастурида қўшимчаларнинг янгича талқини ва унинг илмий асослари. Илгор пед.технологиялар мавзуидаги халқаро илмий-амалий конф.матер. Қарши 2001, Б-127, -489б.
7. Ҳаракат тарзи лугавий шакллари хусусида. Тил ва адабиёт таълими. -2002, №1,-Б. 45-47
8. Истиқлол ва она тили таълими тизимида морфологик кўрсаткичлар масаласи. ҚДУнинг 10 йиллигига бағишланган илмий-назарий конф. мат., 1-жилд, Қарши.-2002,-Б. 44-47.

шаклларининг бир гуруҳи «бошқарилувчи ва бошқарувчи феъллар ифодалаган ҳаракатларнинг бир вақтдалиги» белгиси асосида зиддиятда бўлади. Бу зиддиятнинг рамзий тасвири қуйидаги кўринишда акс этади.

+ -ганча, -а/ й; -(и)б, -май / масдан; – -гани

Равишдош парадигмасининг иккинчи гуруҳ ташкил этувчилари бўлган -гач, -гунча, -ганда кўрсаткичлари «ҳаракат чегарасига муносабат» белгиси асосида қарама-қарши туради.

+ -гунча; – -гач, -ганда

Сифатдош кўрсаткичларининг луғавий-синтактик шакллик табиати уларнинг умумий синтактик моҳияти «феълни от (ёки феъл)га тобе узв сифатида боғлаш» ва бу билан боғлиқ ҳолда келиб чиққан маъновий хусусият -«феъл англатган ҳаракат ва ҳолат натижасини нарса-предметнинг белгиси сифатида нутқда воқелантириш»дан иборатдир. Сифатдош шакллари шу умумий белги остида бирлашади, аммо ҳар бир шакл контекстга боғлиқ равишда турли ёндош ҳодисалар таъсирида ўзига хос хусусиятга ҳам эга бўлади. Буни қуйидаги чизмада кўрамиз:

**«кесимдан англашилган ҳаракатдан олдин содир бўлиш»**

+ -ган; – -ётган, -адиган

**«давомийлик»**

+ -ётган; – -адиган

Ҳаракат номи шаклларининг барчаси битта умумий маъно - «феълни «предметлаштирган» ҳолда нутққа олиб кириш» остида бирлашиб, нутқий қуршовлар таъсирида отлик белгиларини намоён қилади. Отларда махсус боғловчилар бўлганлиги боис, у сўзларни боғлаш вазифасини бажармайди.

Тур категорияси тизимини кузатишлар шуни кўрсатдики, мазкур шакллар нафақат луғавий маънони модификациялайди, балки ўзи қўшилган сўзни кейинги сўзга тобелантириш йўли билан боғлайди ҳам. Аммо бу икки жиҳат ҳар доим бирдек мутаносибликда бўлмайди. Шаклнинг луғавий маънога таъсири кучайиши билан унда синтактик қобилият(турлаш) кучсизланиб боради. Равишдош шаклларида феълни кейинги феълга тобелантириб боғлаш имконияти кучли, бироқ луғавий маънога таъсир нисбатан кучсиз. Сифатдошлар ҳар икки жиҳатнинг



**Тадқиқотнинг методологик асослари ва тадқиқ усуллари.** Тадқиқот тил ва нутқни изчил фарқлайдиган систем текшириш усули асосида олиб борилди. Систем тилшунослик учун методологик асос бўлган диалектик мантиқнинг эмпирик ва назарий, тасаввуфнинг фаҳмий ва идрокий билимларни фарқлаш, манбани ўрганишнинг нисбий тўлиқлигига эришиш учун уни яхлит бутунлик сифатида идрок қилиш - зот ва тажалли, жузв ва кулл, умумийлик ва хусусийлик каби категорияларга таяниш тадқиқотнинг фалсафий билиш йўллари ҳисобланади.

**Ишнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

- ишда ўзбек тилшунослиги ва она тили таълимида амал қилиб келган форма ясовчи ва сўз ўзгартирувчи атамалари ўзбек тилининг зотий моҳиятига мос келмаслиги ва уларнинг рус тилига доир тадқиқот, дарслик ва қўлланмалар асосида кириб келгани очиб берилди;

- она тили дастур ва дарсликларидан жой олган луғавий ва алоқа-муносабат шакли атамаларининг форма ясовчи ва сўз ўзгартирувчи атамаларига муносабати ёритилиб, янги атамалар аввалгиларининг айнан муқобили эмаслиги асосланди;

- луғавий шакл атамасининг моҳияти очиб берилиб, унинг сўз луғавий маъносини модификация қилиши далилланди ва атама ўзбек тилининг зотий табиатига мувофиқлиги ҳамда луғавий шакл ҳосил қилувчи воситалар сўз туркумларининг таснифловчи белгиси эканлиги ёритилди;

- луғавий шакл ҳосил қилувчилар сифатида отлардаги сон, кичрайтириш-эркалаш, сифатлардаги даража, сон маъно турларини ҳосил қилувчилар, феъллардаги нисбат, ҳаракат тарзи, бўлишли-бўлишсизлик ва тур категорияси аъзолари ажратилди;

- луғавий шаклларнинг барчаси моҳиятан бирдай эмаслиги, уларнинг айримлари иккиёқлама - лексик-функционал табиатга эгалиги баён этилиб, феълнинг тур категорияси шу нуқтаи назардан таҳлил этилди;

- алоқа-муносабат шакллари атамаси сўзларни синтактик алоқага киритувчи морфологик воситаларга нисбатан қўлланди;

- алоқа-муносабат шаклларига нисбатан синтактик шакл атамасини қўллаш қулайлиги таъкидланиб, бу тизимга эгалик, келишик, кесимлик категориялари киритилди;

- морфологик кўрсаткичларни уч гуруҳга - луғавий шакллар, синтактик шакллар ва луғавий-синтактик шаклларга ажратиш таклиф этилди;

- морфологик шакллардаги категориал ва нокатегориал маънолар муаммосига тўхталиниб, у маълум грамматик шакллар мисолида ойдинлаштирилди;

- феъл луғавий шаклларидан ҳаракат тарзи

парадигмасининг категориал моҳияти баён этилди;

- луғавий-синтактик шакллар сифатида қаралган равишдош кўрсаткичлари феъл луғавий маъносига таъсир қилиб, унда ҳаракат / ҳолат маъносини кучайтириши ва, шу билан бирга, феълни феълга боғлашдан иборат синтактик моҳиятни намоён қилиши асосланди;

- сифатдош шакллари тизими феъл луғавий маъносига таъсир қилиб, унда сифатлик белгисини ҳосил қилиши ва феълни отга боғлаш синтактик моҳиятини намоён қилиши баён этилди;

- ҳаракат номи шакллари тур категорияси тизимининг луғавий шакллик моҳияти кучайган узви бўлиб, унинг феълга отлик хоссаларини бериши очиб берилди;

- феъл турлари категориясининг категориал моҳиятига доир фикрлар баён этилди ва унинг таркибий узвлари бўлган равишдош, сифатдош ва ҳаракат номларининг мустақил категория бўла олмаслиги, ўзаро нокатегориал маънолар асосидагина фарқланиши таъкидланди.

**Ишнинг назарий ва амалий аҳамияти**, аввало, амалдаги она тили ўқув дастур ва дарсликларида ўзлашаётган ўзбек тили грамматик воситаларининг янги талқинини изоҳлаш, хусусан, морфологик кўрсаткичлар ичида нисбатан катта сирани ташкил этувчи феъл луғавий шакллари тизимининг луғавий шакллик моҳиятини ойдинлаштиришга асос бўлишидадир. Тадқиқот:

- истиқлол (ўтиш)даври она тили ўқув воситаларида морфологик қўшимчалар таснифидаги тарқоқ фикрларни қатъий бир тизимга йиғади;

- ўзбек тилидаги грамматик кўрсаткичларнинг янги талқинини уларнинг ҳақиқий онтологик табиатига яқинлаштиради;

- морфологиянинг мунозарали масалаларидан бири - грамматик шаклда категориал ва нокатегориал маънолар тажаллиларини фарқлашга хизмат қилади;

- амалдаги она тили ўқув дарсликларига янги киритилган луғавий шакл, луғавий шакл ҳосил қилувчи, алоқа-муносабат шакли, алоқа-муносабат шакли ҳосил қилувчи атама ва тушунчаларининг моҳиятини очиб беради;

- янги ажратилаётган алоқа-муносабат шакллари сирасига кирувчи - кесимлик, луғавий шакллар сирасига кирувчи - ҳаракат тарзи, феъл турлари категорияларининг парадигматик табиатини ойдинлаштиради.

Тадқиқот амалий жиҳатдан ҳам ўзига хос аҳамиятга эга. **Тадқиқот натижаларидан**:

- ўзбек тилининг назарий, систем грамматикалари учун,



Тур категориясини грамматик категория сифатида ажратиш ўринлими, бу учун асослар етарлими деган саволнинг туғилиши табиий. Шўро тилшунослигида феълнинг функционал шакллари алоҳида морфологик категория сифатида қаралган эмас. Лекин уларнинг ички бўлинишлари(равишдош, сифатдош ва ҳаракат номи)га нисбатан морфологик категория атамаси қўлланиб келинган. Ҳақиқатдан ҳам, бир қарашда, мазкур тизимнинг ҳар бир шакли маълум бир умумийликларга эга бўлиб, бу умумийликлар алоҳида шакллар хоссаларидан тиклангани боис категориал моҳиятдек тасаввур уйғотади. Зеро, ҳар қандай морфологик категориянинг субутий хоссаси бўлмиш «икки ёки ундан ортиқ оппозицияда турувчи, бир-бирини тақозо ва, ўз навбатида, инкор этувчи, бир грамматик маъно остида бирлашадиган шакллар тизими» белгиси бу ҳодисалар учун ҳам хос. Дейлик, равишдош кўрсаткичлари бўлмиш *-а/ й, -(и)б, -гач, -гунча, -гани, -ганда, -ганча* шакллари категориянинг юқорида зикр этилган мумтоз таърифига мувофиқ келади. Бироқ муаммога тасаввуф диалектикасининг зот ва тажалли, мумтоз тилшуносликнинг категориал ва нокатегориал маъно каби умумфалсафий ва умумлингвистик методологик омилларидан келиб чиққан ҳолда ёндашиш, шунингдек, «бу шакллар ўзаро равишдош моҳиятининг хусусийлашуви асосида фарқланадими» деган саволни кўндаланг қўйиш масалага чуқурроқ кириш учун туртки вазифасини ўтайди.

Равишдош, сифатдош ва ҳаракат номи шакллари бир бутун ҳолда алоҳида морфологик категорияни ташкил этгани учун уларнинг ҳар бир шаклига категория умумий грамматик маъносини хусусийлаштириш талаби қўйилади. Агар мазкур шаклларни ҳосил қилувчиларнинг зотий моҳияти ўзлари мансуб категориялар умумий грамматик маъноси жузъийлашмалари ва, шунингдек, ўзи мансуб йирикроқ моҳиятнинг парчаланишлари бўлмаган, бироқ шундай кўринган, аслида ўзга категориялар умумий грамматик маъноларининг ўзларидаги тажаллилари билан ажралса, улар яхлитлик сифатидаги алоҳида категориал моҳиятни ташкил эта олмайди. Тур категорияси унсурларининг моддий шакллари бир-биридан умумий грамматик маъно парчаланишлари асосида эмас, балки ўзлари учун нокатегориал бўлган лисоний унсурлар - замон, тасдиқ/инкор, пайт, мақсад, тарз, модаллик, давомлилик каби ўзга категориялар маънолари тажаллилари асосида зидланади. Зиддият белгилари мазкур шакллар учун хусусий бўлмай, унинг кўринишлари учун ёндош маънолардир. Демак, равишдош, сифатдош ва ҳаракат номи бир неча моддий кўринишдан иборат бўлиб, алоҳида парадигматик моҳият касб этса ҳам, уларни алоҳида категория сифатида қараш маъқул эмас.

Тур категориясининг таркибий қисмларидан бўлган равишдош шаклининг синтактик моҳиятини равишдош ҳосил қилувчиларнинг барчаси учун умумий ва мутлақ бўлган «олдинги феълни кейинги феълга тобе аъзо сифатида боғлаш билан нутққа киритиш» вазифаси, луғавий шакллик моҳиятини «феълга равишлик белгисини бериш» маънолари ташкил этади. Равишдош

аксини топади.

Равишдош, сифатдош ва ҳаракат номларининг хилма-хил шакллари тур категориясининг алоҳида кўриниши сифатида қаралиш-қаралмаслиги ҳозирга қадар фанимизда баҳсга сабаб бўлиб келмоқда. Мазкур шакллар тур категорияси учун категориал бўлган маъно асосида фарқланса, бундай шакллар том маънода тур категориясининг алоҳида шакллари сифатида баҳоланиши ва тур категорияси шакллари парадигмасига киритилиши мумкин. Аммо мазкур шакллар бу категория учун нокатегориал бўлган маънолар асосида фарқланса, уларни тур категориясининг алоҳида шакллари сифатида қараш нотўғри.

Дунёнинг барча тилларида феълни гап таркибига олиб кирувчи мазкур шакллар ўз атамасига эга бўлиб, рус тилида бу сира феълнинг функционал шакллари деган ноаниқ атама остига бирлаштирилади ва у ўзбек тилшунослигига ҳам калька асосида кириб келади. Атаманинг ноаниқлиги ва категория номи бўла олмаслиги хусусида кўплаб фикрлар билдирилишига қарамай, бу категория учун умумий бир лексемали қулай атамани камдан-кам тадқиқотчилар таклиф этганлар. И. И. Смирницкий бу тизим учун «категория репрезентации» атамасини қўллайди.[21] Туркийшунослиқда ҳам бу атама маъқул деб топилди.[22]Атоқли тилшунос А.Ғуломов бу сирага нисбатан «шахс кўрсатмайдиган феъллар» атамасини ишлатади.[23] Ўзбек тилшунослигида мазкур категория учун бир мунча муносиб ном Б. Менглиев томонидан таклиф этилди.[24] Тадқиқотчи бу сирани **«феълнинг ўзгаловчи категорияси»** деб номлади. Аммо бу атаманинг ҳам қулай ва ноқулай томонлари бор. Қулайлиги, у бир сўздан иборат бўлиб, феълнинг бошқа туркум сўзларига яқинлашишига ишора қилади. Ноқулайлиги эса феълни ўзгалаш, яъни феълдан узоқлаштириш маъносининг англашилиб турибдидир. Сабаби, мазкур шаклларнинг барчаси феъл туркуми доирасида қолади, аниқроғи бошқа туркум сўзларига ўтмайди - **ўзгаланмайди.** Шу боис бу атама фанда ўзини унчалик оқламайди.

Умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандартида бу ҳодисага нисбатан **феъл турлари** атамаси қўлланди.[25] Аммо бу атамани ҳам муайянлаштириш лозим. Чунки **турлари** деган тушунча ўта мавҳумдир. Атамалар хилма-хиллигига йўл қўймаслик мақсадида бошқа яна бир янги атамани киритиш фикрида эмасмиз. Ўзгаловчи атамасига қараганда тур(турловчи) атамасини қўллаш ҳодиса моҳиятига яқинроқ бўлгани боис ишда феълнинг тур категорияси атамасидан фойдаланилди.

21. Смирницкий А.И. Морфология английского языка.-М.:Изд.лит.по иностр.яз., 1959.-440 с.
22. Нигматов Х.Г.Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI-XII вв.-Т.:Изд.Фан,1989.-191 с.
23. Ғуломов А.Г. ва бошқ. Ҳозирги замон ўзбек тили курсидан материаллар. Т.: Фан, 1964. Б.6,-89б.
24. Менглиев Б.Р.Морфологик воситаларнинг маъновий хусусиятлари ва синтактик имкониятлари:Филол.фан.номз...дисс.Бухоро,1995.-144 б.
25. Умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастури. Она тили. Адабиёт. Таълим тараққиёти.1-мах.сон.-Т.:Шарқ,1999.-Б.55-145.-304 б.



шунингдек, олий ва ўрта мактабларга мўлжаллаб тузиладиган ўзбек тили дарсликлари учун материал сифатида;

- филология факультетларида ўқитиладиган «Ҳозирги ўзбек адабий тили» курси морфология бўлимининг грамматик категориялар, грамматик шакл, грамматик маъно мавзуларини ўрганишда;

- морфологик кўрсаткичлар таснифини яратишда;

- янги дастурдаги тушунчалар моҳиятини ойдинлаштириш йўлидаги изланиш бўлганлиги сабабли, ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта ўқитиш курсларида махсус курс сифатида;

- шунингдек, янги дастур асосида ишлаётган она тили ўқитувчиларига кўрсатма сифатида ҳам фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот манбаи сифатида** назарий боб учун феъл лугавий шакллари тизими, амалий боб учун эса феълнинг тур категорияси - феълни гап таркибига киритувчи шакллар тизими танланди. Шунингдек, ўрни билан синтактик шакллар, аналитик қурилмаларга ҳам мурожаат қилинди.

**Ишнинг жамоатчилик эътиборидан ўтиши.** Диссертация мавзуси Қарши давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедрасида муҳокама этилиб, университет илмий кенгашида тасдиқланган. Тадқиқот матни Қарши давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедраси ҳамда Самарқанд давлат унивеситети ўзбек тилшунослиги кафедраси йиғилишларида муҳокама этилиб, ҳимояга тавсия этилган.

Тадқиқот мавзуси юзасидан ҚаршиДУ профессор-ўқитувчиларининг анъанавий илмий анжуманларида (1999, 2000, 2001, 2002), Ўзбек тили Доимий Анжумани йиғинларида (Бухоро, 1999; Фарғона, 2001), «Илғор педагогик технологиялар» мавзусидаги халқаро анжуманда (Қарши, 2001), ҚаршиДУнинг 10 йиллигига бағишланган республика илмий-назарий анжуманида (Қарши,2002) маърузалар қилинган.

Тадқиқотнинг асосий мазмуни 8 нафар босма ишда ўз аксини топган. Диссертациянинг умумий ҳажми 136 бет бўлиб, у кириш, сўз боши, икки боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат.

## Диссертациянинг асосий мазмуни

«Сўз боши»да мавзунинг тадқиқ даражаси ва долзарблиги, ишнинг мақсад ва вазифалари, методологик асослари ва амалий аҳамияти, тадқиқот манбаи, жамоатчилик эътиборидан ўтиши, яъни жорийланиши, ҳажми ва тузилиши хусусида сўз юритилади.

**Ишнинг биринчи боби** «Луғавий шакллар хусусида» деб номланади. Мазкур боб уч қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмида она тили ўқитиш тизимининг янгиланиши ва луғавий шакл тушунчасининг таълим тизимига киритилиши хусусида сўз боради.

Ўзбек тилшунослиги 50-80 йиллар оралигида морфологик кўрсаткичларга нисбатан форма ясовчи ва сўз ўзгартирувчи атамаларини қўллаб келди. Бу атамаларнинг ўзбек тили табиатига мос эмаслиги, ўзи атаётган тушунча моҳиятини тўла ёритиб бера олмаслиги тилшуносларимизга маълум бўлса-да, мазкур атамалар рус тилига доир тадқиқотлар таъсирида тилимизга кириб келганлиги боис, бу ҳақда гапириш - атамаларни алмаштириш зарурати борлиги хусусида сўз очишга ҳеч ким журъат этолмас эди. Истиқлол шарофати билан барча соҳаларда бўлгани каби ўзбек тилшунослиги фани соҳасида ҳам ислоҳотлар ўтказиш, таълим тизимини янгилаш имкони туғилди. Фанимизда ўзбек тили морфологик кўрсаткичларининг туркона талқини яратилиб, анъанавий форма ясовчи - **лугавий шакл ясовчи**, сўз ўзгартирувчи - **алоқа-муносабат шакли** ҳосил қилувчи атамалари билан алмаштирилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўгрисида»ги қонуни, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг амалга татбиқ этилиши муносабати билан умумий ўрта таълим тизимини қайта қуриш асосида мактабларда она тили ўқув фанининг мазмуни ва таълим усули янгиланди. Тажриба - синов ишлари ва ҳукумат тасдиқларидан[1] сўнг, тилга янгича ёндашувлар асосида яратилган ўқув дастурлари қабул қилинди. Янги дастур асосида нашр этилган 6- синф дарслигида лугавий шакл тушунчаси қуйидагича шарҳланди: « *-лар,-ча,-та,-ил* каби қўшимчалар ўзакка қўшилиб, уларнинг лугавий маъносига қўшимча маъно беради. Бундай қўшимчалар шакл ясовчи қўшимчалардир. Шакл ясовчи қўшимчалар **лугавий шакл қўшимчалари** деб ҳам юритилади».[2]

Дарсликда феъллардаги нисбат, феъл турлари, ҳаракат тарзи, бўлишли-бўлишсизлик, отлардаги сон, кичрайтириш, сифатлардаги даража, сонларнинг маъно турларини ҳосил қилувчилар лугавий шакл ҳосил қилувчи сифатида ажратилади. Хўш, лугавий шакл тушунчаси нима, унинг анъанавий сўз формасидан қандай фарқи бор? Бу тушунчанинг, умуман, ўзбек тили морфологик воситаларининг таснифини янгилашнинг илмий ва тадрисий зарурати нимада? Биринчи бобнинг иккинчи банди шу масалага ойдинлик киритишга бағишланади.

Сўз формаси тушунчаси ўзбек тилшунослигига XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб кириб кела бошлади. Бунга Европа тилшунослиги ва ўзбек(сарт, чиғатой)тили бўйича европаликлар томонидан яратилган дарсликлар туртки бўлди.[3] Араб тилшунослиги ички флексияга эга араб тили қоидалари асосида иш тутганлиги сабабли[4] бу асосда туркий тилларнинг агглютинатив табиатини тўғри баҳолаб бўлмас ва мавжуд дарсликларда сўзнинг ўзагига қўшилиб келувчи қўшимчалар(улар араб тили юкламалари - ҳарфларига ўхшаш бўлганлиги сабабли)

1. Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўгрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майда қабул қилинган 203-қарори. Маърифат газетаси, 1998,16 май.
2. Неъматов Ҳ.,Ғуломов А.,Абдураимова М.,ва бошқ.Она тили.6-синф учун дарслик(синов).-Т.:,-1998.-176 б.
3. Остроумов Н. Этимология сартовского языка.-Т.:1910.
4. Жумахўжаев А.Истиқлол ва она тилимиз.-Т.:Шарқ.-1998.-158 б.



улар фақатгина феълларга хос бўлиб, феълнинг лугавий маъносига таъсир этади ва, шу билан бирга, юқорида айтилган белгиларни ҳам ўзида сақлайди.

Феъл лексеманинг нутқда шаклий-грамматик расмийла-шиши феъл турлари элементларидан бироргасини қабул қилиш билан амалга ошади. Феъл гапда ё феъл-кесим ёки феъл-кесимдан бошқа вазифаларда воқеланади. Феълнинг гапда феъл-кесим мавқеида келиши кесимлик категорияси аъзолари - майл, замон, шахс-сон, тасдиқ/инкор шаклларидан бирида бўлиши билан боғлиқ бўлса, бошқа вазифалар(ҳол, сифатловчи, тўлдирувчи, эга)да воқеланиши эса феълнинг тур категорияси унсурлари(равишдош, сифатдош ва ҳаракат номи)дан бирини қабул қилиши билан амалга ошади. Кесимлик категорияси шакллари анъанавий усулларда етарли даражада тадқиқ этилган, аммо улар бир тизим остида бирлаштирилиб умумийлик нуқтаи назаридан илмий асосланганича йўқ. Кесимлик категорияси алоҳида тадқиқ манбаи бўлгани, қолаверса, мазкур шаклларнинг синтактик характерга эгалиги, феълнинг хусусий категориялари сирасига кирмаслиги ва ишда бу ҳақда тўхталиш мақсад қилиб олинмаганлиги боис, бу масалага чуқур ёндашилмади. Феълнинг тур категорияси тизими - **феълни турловчи** нокесимлик шакллари бўлмиш равишдош, сифатдош ва ҳаракат номи шакллари билан чекланади.

Бу бобда шу вақтга қадар феълнинг функционал, хосланган, вазифадош, нопредикатив, тусланмаган шакллари номи остида алоҳидалик сифатида, ўзгаловчи категорияси номи остида умумийлик сифатида ёндашилиб таҳлил этиб келинган феълни турловчи шакллар - равишдош, сифатдош ва ҳаракат номи шаклларининг лугавий-синтактик табиатини очиб бериш мақсад қилиб олинди. Мазкур шаклларнинг лексик-функционал жиҳатларини ёритишдан аввал унинг категориал табиатини ёритиш лозим. Чунки тур категориясининг ажратилиши ўзбек тили учун янги ҳодиса.

Одатда, ўзбек тилшунослигида грамматик кўрсаткичнинг категориал маънолари таҳлил этилганда, бу кўрсаткичда мужассамланган категориал ва нокатегориал маънолар фарқланмайди ва кўрсаткич мансуб бўлган грамматик категория маъноларига алоқадор бўлса-бўлмаса, шу кўрсаткичга ва у орқали грамматик категорияга нисбат берилади. Грамматик шаклда категориал ва нокатегориал маъноларни фарқламаслик грамматик шакл моҳиятини нотўғри тушунишга олиб келади. Кўпгина ҳолатларда маълум бир категорияга мансуб бўлган шакл бир неча моддий кўринишларга эга бўлади ва бу шакллар категориал маъно жиҳатидан бир хил бўлиб, уларда мужассамланган ёндош маънолар билангина фарқланиб туради. Категориал маъно нуқтаи назаридан улар маълум бир категориянинг бир шакли, аммо ёндош маънолари ва моддий кўринишларига кўра ҳар хил шакллардир.

Феъл тур категориясининг категориал маъноси феълни нутққа киритиш бўлиб, у феълга гап таркибида маълум бир мавқе бағишлаш ёки феълни бошқа сўзлар билан боғлашда ўз

Янги талқинда ҳаракат тарзи алоҳида категория сифатида баҳоланди. Ишда ҳаракат тарзи шаклларини бир парадигмага бирлаштириб таҳлил этишга уриниб кўрилди, бироқ мазкур категориянинг категориал табиатини ёритиш мақсад қилиб олинмаганлиги, қолаверса бу мавзу алоҳида тадқиқ этилаётганлиги сабабли, диссертацияда бу масалага чуқур кирилмади. Аммо шуни таъкидлаб ўтиш мумкинки, ҳаракат тарзи алоҳида бир парадигмани - феълнинг луғавий маъносида мўътадил суратда мужассамланган ҳаракатнинг содир бўлиш тарзи маъносини муайянлаштирувчи тизимни ташкил эта олади.

Тилларнинг компоративистик ва систем-структур тадқиқотларидан маълумки, морфологик кўрсаткичлар ё мустақил маъноли лексемалардан, ёки ҳар хил қўшимчаларнинг ўзаро бирикиб янги қўшимча ҳосил қилиш усулларидан шаклланади.[20] Феъл тарзи аналитик шакллари бунинг ёрқин далилидир. Чунки аналитик шакллар сифатида баҳоланаётган ҳосилалар йиллар ўтиши билан морфологик шаклларга айланиши мумкин. Туркий тилларда ҳаракат тарзи аналитик шаклларидан ҳар хил замон ва аспект морфологик шакллари ривожланганлиги бугунги тилшуносларга маълум: *келолди, боролмади, кетаётибман, бораётирман, ёзаверди, бораверди, қолаёзди* каби. Кўриниб турибдики, тарихан ҳаракат тарзи шакллари кўп ҳолларда морфологик қўшимчалар (синтактик-морфологик шакллар)га айланган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, луғавий шакллар сифатида ҳаракат тарзи шаклларининг луғавий маъно семик таркибига, шунингдек, воқеланаётган лексема турларини фарқлашга таъсири бошқа шаклларга нисбатан кучлироқ сезилади. Сабаби, унинг асосида, биринчидан, луғавий бирлик ётган бўлса, иккинчидан, шаклнинг табиатан аналитик- синтетик характерда эканлигидадир.

Нисбат, бўлишли-бўлишсизлик, ҳаракат тарзи шаклларининг ясалиши ва қўлланишида универсаллик бор-йўқлиги, барча феъллардан ясала олиш-олмаслигидан қатъи назар, улар фақатгина феъллардан ясалади, яъни феълнинг шаклларидир. Бу шакллар феълнинг нутқда у ёки бу позицияда келиши билан мутлақо алоқадор эмас. Улар феълнинг луғавий асоси - луғавий маъносини муайянлаштиришга хизмат қилади. Шунинг учун бу шаклларга соф луғавий шакллар, яъни феълнинг нутқда воқеланишидан олдинги ҳолатига хос шакллар сифатида қараш лозим.

Нутқ жараёни, гап таркибига киргунга қадар феълнинг луғавий маъноси сўзловчи томонидан ифода мақсади ва мазмунига мос равишда танланади, шундан кейингина феъл гап таркибига киритилади. Феълни гап таркибига киритувчи махсус шакллар тизими мавжуд бўлиб, улар феълнинг гап таркибида эгаллаган мавқеини белгилайди. Бу шакллар моҳиятан функционал бўлиб, феълнинг гап таркибида бажараётган функцияси, вазифаси билан алоқадор. Шуни ҳам айтиш кераки,

20. Пауль Г.Принципы истории языка.М.:Изд-во иностранной литературы,1960.-500 с.



ҳарфлар деб баҳоланар эди. Ҳатто туркийшунос Маҳмуд Қошғарий ҳам *-ган, -дан, -гани, -га* каби қўшимчаларни ҳарфлар деб баҳолаган[5]. Ўрта аср тилшуносларидан Мирзо Маҳдихон ҳам туркча қўшимчаларга ҳарфлар сифатида қарайди ва бир сўзнинг турли шаклларини парадигма - қаторларга бирлаштирмайди.

Сўз шакллари ва уларнинг парадигмаларини ажратиш ўзбек тилшунослигида Е.Д.Поливанов асарлари ва А.Фитратнинг «Сарф» ва «Наҳв» дарсликларидан сўнг оммалаша бошлади. Бу даврда сўз шакли деганда ўзакка қўшилиб келган ҳар қандай қўшимча тушунилиб, *китоблар* ҳам, *китобим* ҳам, *ёздик* ҳам, *ёзди* ҳам сўз шакли деб талқин қилинар эди. 40-йиллардан кейин ўзбек тилшунослигига Ф.Ф.Фортунатов асос солган Москва лингвистик мактабининг **форма ясаш** ва **сўз ўзгартириш** атамалари бир-биридан фарқланган ҳолда кириб келди[6].

Ўзбек тили академик грамматикасида форма ясаш ва сўз ўзгартиришга тасниф берилиб, улар қуйидагича умумлаштирилди: «Форма ясовчилар янги сўз ҳосил қилмайди, маънони кескин ўзгартирмайди балки ҳар хил оттенкалар орттиради, модификация қилади. Ясовчилар лексик маъно билан боғланса, улар грамматик маънога эга бўлади. Булар кичрайтириш, эркалаш, чегаралаш, камлик, ошириш, кўпайтириш, гумон, тахмин, эмоционаллик кабиларни билдириш - асосий маънога шуларни қўшиш билан характерланади. Англашиладики, форма ясовчилар сўз ўзгартирувчилардан ҳам фарқланади: **лексик маънога қўшимча оттенка бериш, синтактик характерга эга эмаслик, парадигма ҳосил қилмаслик** ва бошқ.

Сўз ўзгартирувчи аффикслар сўзларни бир-бирига боғлаш учун хизмат қилади. ...уларнинг маъноси соф грамматик характердадир. Форма ясовчилар билан сўз ўзгартирувчиларнинг иккаласи ҳам фақат бир туркум доирасида бўлади»[7].

Ўзбек тили морфологик кўрсаткичларининг янги талқини академграмматикадаги таърифларга таянади, бироқ таснифларда айрим чалкашликларнинг борлигини ҳам эътироф этиб, уларга ойдинлик киритади.

Флектив тилларда окончание(туталланма) мавжуд бўлиб, у сўзнинг маълум бир шаклига қўшилади. Сўз ўзгартирувчи сифатида фақат окончание танланади, ундан бошқа қўшимчалар форма ясовчилар сирасига киритилади. Масалан:

| | |
|---|---|
| *Они узнали* | *Она узнала* |
| *Они узнавали* | *Она узнавала* |

Бу икки феълда *-л* ўтган замон формасини ясайди, *-и,-а* окончаниелари эса бу формаларни сон ва родларда ўзгартиради. Ўзбек тилига окончание хос эмас, шунингдек, сўзга рус тили учун меъёрий бўлган ва основа деб аталадиган окончаниесиз қисм ҳам

5. Қошғарий М.Девону луғотит турк.Тар.ва нашрга тай.С.М.Муталлибов.I-Ііт.-Т.:1960-1963.
6. Звегинцев В.А.История языкознания в XIX-XX веков очерках и извлечениях.Ч.II.-М.:наука,1965.-495 с.
7. Ўзбек тили грамматикаси.I том. Морфология.Мах.муҳ.F.Абдураҳмонов ва бошқ. Т.:Фан,1972.-Б.83.-610 б.

аҳамиятсиз. Шу сабабли форма ясалиши ва сўз ўзгартиришни ажратишга кескин зарурат йўқ. Ўзбек тилида ҳам ўзакка қўшиладиган қўшимчаларни сўз ясовчи ва сўзнинг айрим шаклларини ясовчиларга ажратиш хосдир. Бу ўринда сўз ясовчиларнинг сўзнинг айрим шаклларини ясовчилардан фарқи хусусида тўхталинмайди.

Лугавий шакл ясовчилар сифатида сўз маъносини қисман ўзгартирувчи, аниқлаштирувчи, муайянлаштирувчи қўшимчалар ажратилади. Масалан, [китоб] сўзида бирлик маъноси ҳам(*Бу китоб қизиқарли*), кўплик маъноси ҳам(*Дўконга китоб келди*) мужассамланган. Нутқ шароити, матн *китоб* сўзида бирлик ёки кўплик маъноси воқеланишини ажратиб беради.[8] Шу сўзга *-лар* аффикси қўшилса, у *китоб* сўзида мужассамланган кўплик маъносини бирликдан чегаралайди, яъни лугавий маънони муайянлаштиради, торайтиради. Шунинг учун *китоблар* [китоб] лексемасининг бир лугавий шакли сифатида баҳоланади. Ҳудди шундай отлардаги кичрайтириш-эркалаш, сифатлардаги даража, сонларнинг маъно турларини ҳосил қилувчилар, феъллардаги нисбат, бўлишли-бўлишсизлик ва янги ажратилаётган ҳаракат тарзи шакллари ҳам сўз лугавий маъносига мужассамланган белгиларни у ёки бу даражада муайянлаштиради. Масалан, [ёзмоқ] феълида ҳаракат бажарувчиси бу ҳаракатни бировнинг илтимоси ёки тазйиқи билан бажарганлиги ёки бажармаслиги маъноси йўқ. *Комил хатни ёзди* гапини олиб кўрайлик. У қуйидаги бирикмаларда кела олиши мумкин:

ўз хоҳиши билан
*Комил* — акаси илтимос қилгани учун — *хатни ёзди.*
менинг қистовим билан

*Лекин Комил хатни ёздирди* гапида ҳаракат, яъни, *ёзиш* кимнингдир сабабчилиги натижасида содир бўлгани англашилиб турибди. Демак, орттирма нисбат шакли феъл ифодалаган ҳаракат кимнингдир таъсири остида бажарилишини билдириб, феълнинг лугавий маъносини муайянлаштириб келади.

Лугавий шакллар ҳамиша феълларнинг лугавий маъносига таъсир этади, шунинг учун жаҳон тилшунослигида лугавий шакллар сифатида ажратилган сон, нисбат, бўлишли-бўлишсизлик, сонларнинг, олмошларнинг маъно турлари, сифат даражалари сўз ясалиши ва форма ясалиши орасида мунозара бўлиб келмоқда.[9]

Лугавий шакллар шундай серқирра моҳиятки, унинг баъзи бир кўринишлари (феълнинг тур категорияси - сифатдош, равишдош, ҳаракат номи) ўзига хос лексик-функционал табиатга эгалиги билан анъанавий сўз ўзгартирувчиларга яқинлашади. Том моҳияти билан лугавий шакллар тилшуносликнинг сўз

8. Гуломов А.Ўзбек тилида кўплик категорияси.-Т.Ўздавнашр,1944.-56 б.
9. Гузев В.Г. О словообразовательных и словоизменительных свойствах некоторых турецких и староанатолийских форм.// VII сессия АНССССР.-Л.1971.-С.17-19.



синтактик ҳодиса, гоҳ сўз ясалиши, гоҳ сўз ўзгартирилиши воситаси сифатида баҳолаб келинмоқда[14].

Нисбат феъл лугавий шаклларидан сўз ясалишига энг яқин турувчи шакл бўлиб, у тилшунослар томонидан лексик-грамматик категория сифатида ҳам талқин этилмоқда.[15]

Бўлишли-бўлишсизлик маъноси ва шакли феъллар учун нисбат шаклидек мутлақ ва зарурий хусусиятга эга эмас. Чунки барча феъл шакллари(феъл-кесимдан бошқа вазифада келувчи) бирдек бўлишли-бўлишсизлик парадигмасига эга эмас: *кўргани* (мақсад равишдоши) + О, *йиқилаёзди*(ҳаракат тарзи) +О, О *+ бормай қўй*.

Шунга асосланиб айтиш мумкинки, феъл лугавий шаклларидан бўлишли-бўлишсизлик сўз ясашдан анча узоқлашади ва феълнинг воқеланиш кўринишларида мутлақ ва зарурийлиги нисбат шаклига қараганда заифлашади.

Ҳаракат тарзи ўзбек тилида феълнинг алоҳида лугавий шакли сифатида шу вақтга қадар ажратилмаган эди. Грамматик талқинларда туркий тилларнинг бу кучли тасвирий воситаси ё четлаб ўтилар ёки кўмакчи феъллар доирасида шарҳланарди. Мазкур шаклларнинг ўз ҳақиқий тавсифини топмаганлиги унинг ҳозирга қадар дам перифрастик формалар[16], дам феълнинг аналитик формалари[17], дам қўшма феъллар[18] каби бир-биридан фарқланувчи сираларга бирлаштирилиб келинишида яққол маълум бўлади.

Янги 6-синф дарслигида ҳаракат тарзи феълнинг ўзига хос зарурий лугавий шакли сифатида берилди ва қуйидагича таърифланди: «ҳаракат тарзи шакллари ҳаракатнинг давомийлиги ёки қисқалиги, мунтазам ёки узлуксизлиги, кутилмаганлиги, фоилнинг ҳаракатни бажара олиши ёки бажара олмаслиги каби ўнлаб маъно нозикликларини ифодалайди».[19]

Ҳаракат тарзи шакллари феълнинг лугавий маъноси билан узвий алоқадор бўлиб, мазкур шакллар ички парадигмаси аъзолари феълларнинг барчаси учун нисбат ва бўлишли-бўлишсизчалик мутлақ ва зарурий бўла олмайди. Чунки бундай шаклларнинг ясалиши ва қўлланиши, нутқий маънолари феълларнинг лугавий маъноси билан алоқадор бўлади. Феъл лугавий маъноси лугавий шаклларнинг маънолари билан зид бўлган ёки бирика олмайдиган ҳолларда лугавий шакллар бундай феъллардан ясалмайди. Шунинг учун улар **лугавий** - феълларда мужассамланган аташ семалари билан бевосита алоқадор шакллар сифатида қаралиши лозим.

14. Нигматов Х.Г.Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI-XII вв.-Т.:Изд.Фан,1989.-191 с.
15. Юқоридаги асар.
16. Сулейманова А.Х. Категория глаголов прошедшего времени в современном узбекском литературном языке:Автореф.дисс...канд.филол.наук.-Самарканд,1949.-21 с.
17. Кононов А.Н.Грамматика современного узбекского литературного языка. От.ред.акад. И.А.Орбели.М.-Л.:Изд.АН СССР.1960.-446 с.
18. Мадалиев Б.Ҳозирги ўзбек тилида қўшма сўзлар.-Т.:Фан,1966.-182 б.
19. Неъматов Ҳ.,Гуломов А.,Абдураимова М.,ва бошқ.Она тили.6-синф учун дарслик(синов).-Т.:,-1998.-176 б.

маънога, мажҳул нисбат шаклининг синтактик қуршовга таъсири ва ҳк.), аммо бу жиҳатлар ўта мавҳумлиги сабабли, моҳиятни белгилаш даражасида эмас. Тур категорияси аъзоларида эса бу хусусият яққол кўзга ташланади.

Ишда тилшуносларимиздан Ҳ.Неъматов, Ғ.Зикриллаев, Ш.Шаҳобиддинова, Б.Менглиевлар тадқиқотлари ва юқоридаги фикрларга асосланиб, ўзбек тили морфологик кўрсаткичларини қуйидагича таснифлаш таклиф этилди.

1-жадвал

***Сўз шаклларининг таснифи***

| Сўз шакллари | | |
|---|---|---|
| Луғавий шакллар | Синтактик шакллар | Луғавий-синтактик шакллар |
| 1) отларда сон, кичрайтириш-эркалаш шакллари; 2) сифатларнинг даража - кучайтирма ва озайтирма шакллари; 3) сонларнинг маъно турларини ҳосил қилувчилар 4) феълларнинг нисбат, бўлишли-бўлишсизлик, синтетик ва аналитик ҳаракат тарзи шакллари | келишик, эгалик, кесимлик (тасдиқ/инкор, майл-замон, шахс-сон шакллари) | феълнинг тур категорияси аъзолари (функционал формалар - сифатдош, равишдош ҳаракат номи). |

Тадқиқотда феълнинг тур категорияси шаклларининг луғавий-синтактик шакллик моҳиятини ёритиш мақсад қилиб олинган бўлиб, асосий таҳлилга ўтишдан аввал феъл луғавий шакллари тизими ва уларнинг луғавий шакллик табиатини ёритиш лозим деб топилди. Чунки луғавий шакллар моҳиятини англамай, луғавий-синтактик шакл моҳиятига ойдинлик киритиш мумкин эмас.

Феъл нисбат, бўлишли-бўлишсизлик, ҳаракат тарзи каби соф луғавий шакллар ва тур категориясидан иборат луғавий-синтактик шакллар тизимига эга. Бу шаклларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга ва парадигмага бирлашувчи бир неча кўрсаткичларга эга. Феълнинг нутқда воқеланиш хусусиятига кўра мазкур шакллар бир хил мавқега эга эмас. Нисбат, бўлишли-бўлишсизлик ва ҳаракат тарзи шакллари феъл учун доимий, барқарор, туркумий, таснифий белги сифатида нутқда қандай вазифа ва фаолиятда воқеланишидан қатъи назар юзага келади ва феъл таркибида бўлади. Тур категориясига эса феълнинг нопредикатив шакллари деб қаралади, яъни улар феъл гапда феъл-кесимдан бошқа вазифаларда келгандагина воқеланади.

Нисбат категорияси феълнинг феъллигини белгиловчи омиллардан саналади. Сабаби, у феълнинг барча воқеланиш кўринишлари учун умумий бўлиб, нисбат шаклисиз феъл бўлиши мумкин эмас, нисбат категориясини йўқотган феъллар феъл туркумидан чиқиб кетади.

Нисбат категорияси таснифида жаҳон тилшунослигида ҳам, туркийшунosликда ҳам, хусусан, ўзбек тилшунослигида ҳам қарашлар ранг-баранг бўлиб, у ҳануз гоҳ морфологик, гоҳ



ясалиши ва сўз ўзгартириш тизимлари орасида **оралиқ учинчидир.**[10] Унинг моҳиятини қуйидаги чизмада бериш мумкин:




Луғавий шакллар моҳиятини очиш жараёнида анъанавий сўз ўзгартирувчи ва унинг алоқа-муносабат шакли ҳосил қилувчи атамаси билан алмаштирилишига ҳам ойдинлик киритиш талаб этилади. Чунки анъанавий тилшуносликда форма ясаш ва сўз ўзгартириш бошқа тил грамматик меъёрлари асосида кириб келганлиги боис, уларнинг таснифида чалкашликларга йўл қўйилган. Юқорида академграмматикада берилган шакл ҳосил қилувчилар таърифини келтирдик. Таъриф, кўриб ўтилганидек, мақсадга мувофиқ, аммо талқинда форма ясовчилар сирасига феъллардаги замон ва майл кўрсаткичларининг ҳам киритилиши таъриф ва тасниф орасида номувофиқликни келтириб чиқаради. Сабаби, замон ва майл кўрсаткичлари сўзнинг луғавий маъносига мутлақо таъсир этмайди, луғавий маънони модификацвя қилмайди. Гапнинг кесимига хос бўлиши ва синтактик табиатга эгалиги билан бу кўрсаткичлар сўз ўзгартирувчилар сирасига киритилган шахс-сон аффикслари билан бир хил моҳият касб этади. Форма ясаш ва сўз ўзгартириш ўзбек тилшунослига рус тилшунослигидан айнан кўчирилган ҳодиса бўлиб, у ўзбек тилининг ички қонуниятлари асосида ишлаб чиқилмаганлиги ана шунда янада яққолроқ намоён бўлади. Бундан ташқари, форма ва ўзгартириш атамаси рус тилшунослигида ҳам, ўзбек тилшунослигида ҳам ноаниқ тушунча. Чунки, нега *китоблар* сўз шакли-ю, *китобга* сўз ўзгартириш деган саволга аниқ жавоб бериш мумкин эмас. Мана шу ва шу каби сабабларга асосланиб тилшуносларимиз ўзбек тилшунослигида ва туркийшуносликда қўлга киритилган ютуқларга таянган ҳолда ўзбек тили морфологик шакл ва категорияларининг янгича таснифини яратдилар. Бу тасниф -

а) луғавий шакллар;

б) алоқа-муносабат шакллари - она тилидан умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари ва янги ўқув дастурида ўз аксини топди.[11]

Луғавий шакллар, айтилганидек, сўз луғавий маъносига ҳамиша таъсир этади. Айрим луғавий шакл ҳосилаларининг

10. Нигматов Х.Г. Включенное третье в морфологической системе тюркских языков//С.Т.1976.-№3.-С.31-36.
11. Умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастури.Она тили.Адабиёт.Таълим тараққиёти.1-мах.сон.-Т.:Шарқ.1999.-Б.55-145.-304 б.

лексикализациялашиб, тамоман янги маъно касб этиши(*олча*, *олача*, *қизилча*, *кўкча*, *Қизархон*, *Моҳларойим*, *Беклар*(жой номи)) бу фикрга ойдинлик киритади. Лугавий шакл ҳосил қилувчилар, бу фикрга ойдинлик киритади. Лугавий шакл ҳосил қилувчилар, асосан, тўрт йирик сўз туркуми - феъл, от, сифат, сонда мавжуд бўлиб, уларнинг қўлланилиши **ўзи мансуб сўз туркуми билан чегараланади.**

Алоқа-муносабат шакли ҳосил қилувчилар сўз лугавий маъносига таъсир этмай, сўзларни бир-бирига боғлашга ёки уларга маълум синтактик вазифа беришга хизмат қилади. Анъанавий таърифлардан фарқланиб, алоқа-муносабат шаклларининг қўлланилиши лугавий шакллардек **бир сўз туркуми билан чегараланмайди**, яъни бу шакллар исталган мустақил сўз туркумига мансуб сўзга қўшилиб, уни ўзидан кейин келган сўз билан алоқага киритиш учун хизмат қилади: *қорасини олмоқ*, *келганимни ёқтирмади*, *биттасини олмоқ*, *ўқиши яхши эмас*, *кўрганингни айтма*, *кўпини ўтказди*, *шундайидан бер*, *ўқиганман*, *ўқувчиман* ва бошқ. Алоқа-муносабат шакллари сирасига киритилган эгалик, келишик ва кесимлик кўрсаткичлари юқоридаги таърифларга тўла жавоб беради. Шахс-сон кўрсаткичлари янги талқинда, анъанавий шакл ясовчилар - замон, майл ҳамда тасдиқ-инкор шакллари билан биргаликда **кесимлик категорияси** тизими остида баҳоланади. Сабаби, мазкур шакллар гапнинг кесимига хос бўлиб, шу мавқеда қандай сўз келишидан қатъи назар, бу категория маънолари воқеланади:

*Мен ёзаман - ёздим, ёзмайман, ёзай, ёзайлик;*

*Мен талабаман - талаба эдим, талаба эмасман, талаба бўлсам эди, талабамиз.*

Кўриниб турибдики, бўлишли-бўлишсизлик(тасдиқ/ инкор), майл, замон, шахс-сон маъно ва шакллари кесим таркибида бўла олади. Шу сабабли, янги дастур ва дарсликларда алоҳида кесимлик категорияси ажратилиб, мазкур шакллар феъл шакллари тизимидан чиқарилади ва шу тизим остига бирлаштиради. Бундай тасниф атоқли тилшунос, академик И.И.Мешчаниновнинг «феъл феъл бўлганлиги учун эмас, гапда кесим бўлиб келгани учунгина тусланади»[12] деган фикрига асосланиб амалга оширилган. Демак, лугавий шакл ва алоқа-муносабат шакли анъанавий сўз форма ва сўз ўзгартиришдан нафақат атама ўзгариши билан, балки мазмун-моҳияти билан ҳам фарқланади. Уларнинг бири кўриб ўтилганидек, лугавий маъно билан, иккинчиси синтактик вазифа билан алоқадор. Бу ҳолат тилшуносликда грамматик категорияларнинг синтактик ва носинтактик каби икки гуруҳга ажратилиши билан боғлиқ[13].

Янги дастурда **лугавий шакл ҳосил қилувчилар,** анъанавий тилшуносликда **шакл ясовчилар** сифатида ажратилган феълнинг тур категорияси шакллари - равишдош, сифатдош ва ҳаракат номининг ўзига хос моҳияти лугавий шакллар талқинидаги «... **сўз лугавий маъносига таъсир этадиган, аммо гапдаги вазифасига мутлақо таъсир этмайдиган...»** таърифига тўсқинлик қилади, аниқроги, бу таърифнинг ҳам **мукаммал эмаслигини кўрсатади.** Сабаби, мазкур шакллар сўз лугавий маъносини муайянлаштириш билан бирга, феълни ўзидан кейинги сўз(феъл ёки от)га тобелантириб боғлаш ва шу асосда унинг гапдаги мавқеига кучли таъсир этиш хусусиятига ҳам эга. Бундай зиддиятли шакллар тизимининг умумий категориал табиатини ва лугавий-синтактик шакллик хусусиятини ёритиш ишнинг навбатдаги бобида амалга оширилади.

**Иккинчи боб** «Феълнинг тур категорияси лугавий-синтактик шакл ҳосил қилувчи сифатида» деб номланади. Лугавий маънони сезиларли даражада модификациялаши ва фақат феълга хослиги равишдош, сифатдош ва ҳаракат номи шаклларини **синтактик шакллар**(ишда алоқа-муносабат терминини синтактик термини билан алмаштириш илмийлиги ва ихчамлигига кўра қулай деб топилди) сифатида баҳолашга, феълни ўзидан кейинги сўзга тобелантириб боғлаш ва гапдаги мавқеига таъсир этиши **лугавий шакл** сифатида баҳолашга тўсиқ бўлади. Демак, мазкур шакллар ўзида лугавий ва синтактик шакллик моҳиятини мужассамлаштирган. Масалан, ***кечикиб келган қиз, қулиб гапирмоқ*** бирикувларини олайлик. Биринчи бирикувда сифатдош шакли феълни отга тобелантириб боғлаяпти ва шу билан бирга *кел* феълидаги ҳаракат маъносини кучсизлантириб, белги маъноси билан нутққа олиб киряпти. Худди шунингдек, ***-иб*** равишдош шакли ҳам *кул* феълини гапир феълига тобе узв сифатида боғлаш билан бирга, уни (ҳаракат маъноси кучсизланади) ҳолат маъноси билан нутққа воқелантиряпти. Кўриниб турибдики, мазкур шакллар сўзнинг ҳам аташ семасига, ҳам вазифа семасига таъсир этмоқда. Лисоний тизимда «оралиқ учинчи»нинг мутлақ эканлиги хусусидаги тамойилларга таянган ҳолда, биз равишдош, сифатдош ва ҳаракат номи шаклларини лугавий-синтактик шакллар деб аташни маъқул кўрдик. Мазкур шакллар моҳиятини қуйидаги чизмада акс эттириш мумкин.




Таърифлардан лугавий шакл синтактик имкониятдан, синтактик шакллар эса лугавий маънони модификация қилишдан мутлақ ҳоли деган хулосага келмаслик лозим. Чунки исталган морфологик шаклда ҳам маъновий хусусият, ҳам синтактик имконият мавжуд (масалан, келишик аффиксларининг лугавий

12. Мещанинов И.И.Глагол. -М.,-Л.:Изд. АНСССР,1949.-199 с.
13. Менглиев Б.Р.Морфологик воситаларнинг маъновий хусусиятлари ва синтактик имкониятлари:Филол.фан.номз...дисс.Бухоро.1995.-144 б.